



HISTORY OF THE ORIGIN OF TERRORISM: ANCIENT TERRORISM

Mukhamatov Bobirmirzo Farkhodovich

Senior inspector of Internal Affairs Department of Peshku District of Bukhara region, captain

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13220402>

ARTICLE INFO

Received: 26th July 2024

Accepted: 30th July 2024

Online: 31th July 2024

KEYWORDS

Terrorism, extremism, radicalism, conspiracy, terrorist groups, social risk, aggression, law, counter-terrorism.

ABSTRACT

The article cites examples of the concept, history of origin of terrorism, as well as the factors, conditions and purpose of terrorist acts in history that caused the occurrence.

ИСТОРИЯ ВОЗНИКНОВЕНИЯ ТЕРРОРИЗМА: АНТИЧНИЙ ТЕРРОРИЗМ

Мухаматов Бобирмирзо Фарходович

Старший инспектор Отдела внутренних дел Пешкусского района Бухарской области, капитан

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13220402>

ARTICLE INFO

Received: 26th July 2024

Accepted: 30th July 2024

Online: 31th July 2024

KEYWORDS

Терроризм, экстремизм, радикализм, заговор, террористические группы, социальная опасность, агрессия, закон, борьба с терроризмом.

ABSTRACT

В статье рассматривается понятие термина «терроризм», история его возникновения, а также факторы, условия и цели, которые привели к возникновению терроризма.

ТЕРРОРИЗМНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ ТАРИХИ: АНТИК ТЕРРОРИЗМ

Мухаматов Бобирмирзо Фарходович

Бухоро вилояти Пешку туман ИИБ катта инспектори, капитан

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13220402>

ARTICLE INFO

Received: 26th July 2024

Accepted: 30th July 2024

Online: 31th July 2024

ABSTRACT

Мақолада терроризм атамасининг тушунчаси, унинг келиб чиқиш тарихи, шунингдек, тарихда террорчилик



KEYWORDS

*Терроризм, экстремизм,
радикализм, фитна,
террорчи гуруҳлар,
ижтимоий хавф,
тажовуз, қонун,
терроризмга қарши
курашиш.*

*ҳаракатларининг юзага келишга сабаб бўлган омиллар,
шарт-шароитлар ва мақсади мисолларда келтириб
ўтилган.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев парламентга йўллаган мурожаатномада радикализм ва экстремизм мавзусига алоҳида тўхталиб ўтиб, “Бутун дунёда кучайиб бораётган радикализм, экстремизм, терроризм, одам савдоси, гиёҳвандлик каби хатарлар, афсуски, бизни ҳам четлаб ўтмаяпти”, – дея таъкидлайди [1]. Бугунги куннинг энг долзарб ва ўз ечимини излаётган муаммоларидан бири бу – терроризм билан боғлиқ ҳаракатлардир. Мазкур муаммо бутун жаҳонни кўрқинч ва даҳшатга солаётган муаммолардан бири ҳисобланади. Бундай дунё миқёсидаги муаммога ечим топиш, уни ҳал этиш, терроризмнинг мазмун-моҳиятини, унинг юзага келишига сабабчи бўлган шарт-шароитларини, уларнинг ривожланишига сабаб бўлаётган омилларни тўлиқ ўрганиш ва тушуниб олиш лозим деб ўйлаймиз.

Айнан шунинг учун ҳам терроризмнинг моҳиятини билиш учун даставвал унинг тарихи билан қизиқиш ва уни мукамал тарзда ўрганиб чиқиш лозим ҳисобланади. Бир қатор тарихчи ва сиёсатчи олимларнинг фикрларига қараганда, террорчилик ҳаракати юзага келганига ҳали икки юз йил ҳам бўлмаган экан. Масалан, В. Жариновнинг фикрига қараганда терроризм пайдо бўлганига бир ярим аср бўлган экан. Яна бир қатор олимлар эса ўз хулосаларида терроризм пайдо бўлишини узоқ асрларга боғлашади. Бу фикр тарафдорлари ҳар бир қотиллик ва зўравонлик ишларини терроризмнинг илк куртак отаётган новдаси бўлган деб ҳисоблашади ва шу тариқа унинг пайдо бўлишини антик даврларгача олиб боришади. Терроризм муайян гуруҳнинг руҳсат этилмаган ҳолатда онгли равишда куч ишлатишидир. Бунда террорчилар аниқ мақсадни кўзлайди ва ўзини тўла ҳақ деб билади. Бундан шу нарса аниқ бўладики, террорчилардаги мавжуд куч мақсадни амалга оширишда ижтимоий — сиёсий муҳит билан бевосита алоқадорликда бўлади. Шунинг учун бирон — бир сабабга асосланган ёвуз мақсад терроризмга олиб боради. Терроризм кўп ҳолатларда кенг миқёсдаги ҳарбий кучлар билан алоқадор бўлади ва бундай мисоллар тарихда бир неча бор кузатилган [2].

Мисол тариқасида эрамиздан аввалги 44 йилда Рим ҳукмдори Гай Юлий Цезардан сенат биносида унга укасини авф этиш ҳақида илтимос билан мурожаат қилишган, ундан рад жавобини олгач, сенаторлардан иборат фитначилар гуруҳи томонидан ўзлари билан олиб келган ханжарлар билан Цезарга кўп сонли зарбалар беришган. Олинган жароҳатлар оқибатида Цезарь ҳалок бўлган ва унинг ўлдирилиши тарихда сиёсий террорга илк мисоллардан бири ҳисобланади [3].

Эрамизнинг I асрида Фаластин ҳудудида сикарийлар террорчи гуруҳлари мавжуд бўлиб, улар Рим маъмурияти ва яҳудий зодагонлари вакиллари ўлдирарди,



босқинчилар билан ҳамкорлик қиларди. Сикарийлар мустақил яҳудийлар давлати тузиш учун курашарди. Уларнинг фаолияти Биринчи яҳудийлар уруши бошланишига замин яратди. Сикарийлар томонидан қўлланган оммавий террор кутилган натижа келтирмади. Римликлар террорга террор билан жавоб бериб, нафақат бу гуруҳнинг ўзини, балки яҳудий халқининг қатта қисмини ҳам қириб ташладилар [3].

Экстремизм ва терроризм нафақат ижтимоий ҳаётнинг сиёсий, иқтисодий ёки маданий соҳаларига зарар етказди, балки жамиятга оммавий тарзда психологик босим ўтказиб, энг мудҳиш шакллардаги зўравонлик ва агрессивлик мафкурасини ёяди. Шу нуқтаи-назардан, жамиятда диний асосда низолар чиқишига йўл қўймаслик, динни сиёсийлаштириш ва сохталаштириш орқали мамлакатдаги ижтимоий барқарорликни издан чиқаришга қаратилган ҳар қандай ҳаракатнинг олдини олиш давлат ва жамият олдида турган ҳаётий муҳим масалалардан биридир [4, Б-191].

Агрессив хулқ-атвор инсоният жамияти пайдо бўлганидан бери унга ҳамроҳ бўлиб келган. Агар жамият ривожланишининг дастлабки босқичларида тажовуз (лотинча *aggređi* [5]- хужум қилиш) маълум даражада эволюцион сабабларга эга бўлса, кейинги босқичларда у кўплаб глобал ва минтақавий муаммоларни келтириб чиқарди. келажакда бу цивилизациянинг ўлимига олиб келиши мумкин. Инсоннинг бундай тажовузкорлиги йўқ қилиш воситалари ва усуллари доимий равишда такомиллаштириш билан янада кучайиб бормоқда. Тарихдан маълумки сўнгги 3,5 минг йил ичида фақат 270 йил тинч ўтган, қолган вақт уруш ва қуроли тўқнашувларда ўтган.

Ҳатто ўтган асрда француз экзистенциалист файласуфи Габриел Оноре Марсел таъкидлаганидек, ҳеч биримиз ўзимизни ҳимояланган деб билган ва бизга кучли туюлган цивилизация аслида заиф ва ишончсиз эканлигига шубҳа қилмасак ҳам бўлади деб фикр билдириб ўтган.

Терроризм тарихий жиҳатдан пайдо бўлган дастлабки даврларданоқ ўз олдида кўйган мақсад ва вазифалари, қўллаган кураш воситалари, ғоявий даъволари билан инсоният учун катта ижтимоий хавфга айланган.

Аслида терроризм жуда қадим замонлардан бошланган, амалиёти эса турли шаклларда хилма-хил тарихий даврларга ва кўплаб сиёсий оқимларга хосдир. Лекин терроризмнинг юзага келиши борасида бошқа фикрлар ҳам мавжуд. Масалан, олимлар терроризмни XI—XII асрлар ҳашшошийларнинг ўзига хос исломий анъанасида, ўз навбатида, ҳозирги терроризмнинг келиб чиқишини Наполеондан кейинги Тикланиш (Реставрация) даври билан боғлайди [6].

Бизнинг фикримизча, терроризм тушунчалари нисбатан яқинда пайдо бўлган. Француз академиясининг луғатига 1798 йил қўшимчаси терроризмни тизимли, *Systeme, regime de la terreur* сифатида белгилайди. Нашр этилган француз луғатига кўра, якобинлар бу тушунчани кўпинча оғзаки ва ёзма равишда ўзларига нисбатан ҳар доим ижобий маъно билан қўллашган.

Икки асрдан кўпроқ вақт олдин таниқли англиз жамоат арбоби ва ёзувчиси Эдмунд Буркнинг 1795 йилда ёзган машҳур сўзларини эслаш кифоя, у ерда французларга қарши чиққан, “террорчилар” деб аталадиган минглаб “дўзах итлари”



ҳақида гапирган [7]. Ҷша даврда терроризм сўзи 1793 йил мартдан 1794 йил июлгача бўлган Франция инқилоби даврига тааллуқли бўлиб, “террор ҳукмронлиги”ни англатган.

“Террор” атамаси лотинча бўлиб, сўзма-сўз “қўрқув, даҳшат” деган маънони англатади, ушбу атама Франциядан кириб келган. Бу атама сиёсий лексиконга биринчи марта жирондинлар ва якобинлар томонидан киритилган бўлиб, улар халқ қўзғолони тайёрлаш ва қирол ХВИ Людовик давридаги вазирлар маҳкамасини “қўрқитиш ва даҳшат йўли билан” ағдариш мақсадида бирлашганлар [8] ва “террорчилик” ҳаракатларини олиб борганлар.

Шунингдек, диний экстремизмнинг энг даҳшатли кўринишларидан бири сифатида тарихда салб урушлари кўрсатилади. XI асрнинг охиридан XIII аср охиригача Қуддус шаҳрини босиб олишга қаратилган ушбу диний кўринишдаги урушлар диний тарафкашлик ва экстремистик туйғуларни кўзғатиш натижасида юз берган. Христиан роҳиблари бир миллионга яқин мутаассиб ақидапарстларни тўплаб, муқаддас урушга шиддатли даъват ишларини олиб бориши натижасида ўн миллионлаб мусулмонлар ўлдирилган, қадимги маданият ўчоқлари йўқ қилинган ва ўз вақтининг энг ривожланган давлатлари ҳаёти бутунлай издан чиқарилган.

Ислом динида ҳам унинг номидан “фаолият” олиб борувчи экстремистик руҳдаги ҳаракатлар юзага келган бўлиб, дастлабки кўринишлари пайғамбар Муҳаммад вафотларидан сўнг намоён бўла бошлаган. Аслида, ўзларининг бирламчи вазифаси қилиб, сиёсий ҳокимиятни эгаллашни кўзлаган бу кучлар очиқ сайлов усулида сайланган “Хулафои-рошидийн” (*тўғри йўлдан борувчи пайғамбар ўринбосарлари*)дан бўлган ҳазрати **Умар ибн Хаттоб** (634-644), **Усмон ибн Афон** (644-656), **Али ибн Абу Толиб** (565-661) ларнинг бевақт ўлимига сабабчи бўлганлар. Бу йўналиш тарафдорлари ҳазрати Али даврида очикдан-очик сиёсий ҳокимият учун курашувчи йирик бир гуруҳга айланиб, “Хорижийлар” – яъни ажралиб чиққанлар, “исёнчилар” номини олди.

Кейинчалик ушбу йўналишдан бошқа экстремистик кўринишдаги гуруҳлар ажралиб чиқа бошлаганлар ҳамда тарихий вақт жараёнида шакл ва моҳиятини ўзгартириб, замонавий кўринишдаги экстремистик ташкилотлар пайдо бўлган.

Ислом шиорларидан танлаб фойдаланадиган, диннинг асл моҳиятини бузиб талқин қиладиган экстремистик тузилмалар худди юқоридаги каби гўёки, кенг халқ оммаси билан узвий бирлик мавжудлигини кўрсатишга интилади, аслида эса жамиятда тартибсизлик ва парокандаликни юзага келтириш учун одамларнинг онгу шуурини эгаллаш, жамиятда беқарорликни келтириб чиқариш орқали ҳокимиятни эгаллаш мақсадини кўзлайди.

Хулосада шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, жонажон Ўзбекистонимизда ҳукм сураётган тинчликни асраш, унинг мустақиллиги ва барқарорлигига муносиб ҳиссамизни қўшган холда ҳар биримиз юртимиз ёшларини буюк аждодларимиз бизга қолдириб кетган маданий, диний маърифий бойлигимизни асраб, авайлаб келажак авлодларга Янги Ўзбекистон тараққиётининг махсули сифатида янада бойитиб тарих



зарварағига олтин харфлар битилишига арзигулик мерос қолдирмоғимиз зарур деб ҳисоблаймиз.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг парламентга йўллаган мурожаатномаси. <https://www.gazeta.uz/uz/2022/12/20/extremism/> (мурожаат санаси 03.08.2024 й)
2. *Р.Эрназаров* “Терроризм хавфи иллат”. <https://zamaxshariy.uz/1830/> (мурожаат санаси 02.08.2024й)
3. Яқин шарқдаги террор тарихи. <https://www.old.islamonline.uz/index.php/item/465-yaqin-shrq-terror-tarixi> (мурожаат санаси 02.08.2024й)
4. *Закурлаев А.* Экстремизм ва терроризмга қарши кураш масалалари жамиятдаги тинчлик хотиржамликни таъминлаш гаровидир. Eurasian journal of law, finance and applied sciences. Volume 3 Issue 1, January 2023. Б-191 (мурожаат санаси 01.08.2024й)
5. <https://ru.wikipedia.org/wiki>. (мурожаат санаси 25.07.2024 й)
6. *Р.Очилова.* Терроризм тарих асорати. Nargiz.uz.2020. <https://nargis.uz/?p=3191/> (мурожаат санаси 26.07.2024й)
7. *Манукян А. Р.* Молодежный религиозный экстремизм в современной россии: пути его преодоления и профилактики (на примере северо-кавказского региона). Бизнес в законе 1’2014. С-146
8. *Добродеев А.* Экстремизм как социально-философское явление. <http://www.pobeda.ru/content/view>. (мурожаат санаси 27.07.2024й)